

Албатта, БМТ томонидан қабул қилинган бу тамойил қотиб колган андоза бўлмай, ўтган вақт мобайнида жаҳондаги ҳаёт сингари ўзгариб, муқаммаллашиб бормоқда. Чунки БМТ ялпи ички маҳсулот ҳажмидан ва жон бошига ҳисобидан келиб чиқиб, халқаро даражада таққослади. Шу тариқа ҳар бир давлатнинг иқтисодий аҳволи, аҳолининг ҳаёт даражаси, харид қобилиятига баҳо беради.

Турли мамлакатларнинг ЯИМ кўрсаткичлари ягона валютада (масалан, АҚШ долларида) ифодаланиши позим. Бироқ ушбу мақсадда валюталарнинг расмий курсини қўллаш ҳисоб-китобларнинг қониқарли даражада аниқ бўлишини таъминлаб бермайди. Чунки валюта курси ЯИМни ишлаб чиқариш жараёнида амалга оширилувчи барча жараёнларини қамраб олмайди. Бинобарин, валюта курсига таъсир кўрсатувчи омиллар (масалан, халқаро капитал оқими, хорижий валютага бўлган талаб ва тақлиф ҳолати) товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмларига бевосита таъсир қилмайди. Бундан ташқари, валюта курси ёрдамида турли мамлакатлар ЯИМ ҳажмини ягона валютада ифодалашда мамлакатлар ички нархларидаги тағовутлар ҳисобга олинмайди.

ХАЛҚАРО ТАҚҚОСЛАШ ВОСИТАСИ НИМА УЧУН КЕРАК?

Халқаро статистика амалиётида ЯИМни таққослашда мамлакатлардаги ички нархларнинг ўзаро нисбатини ифодаловчи коэффициент, яъни валюталарнинг харид қобилияти паритети (ХҚП) кенг қўлланилади.

— Харид қобилияти паритетидан валюталарни айирбошлаш мақсадида ёки иқтисодий сиёsat инструменти сифатида эмас, балки ЯИМ кўрсаткичининг халқаро таққосламасини таъминлашда техник восита сифатида фойдаланилади. — дейди Давлат статистика қўмитаси макроиктисодий индикаторлар ва миллий ҳисоблар бошқармаси бошлиғи Азиз Мамиров. — ХҚП хорижий давлатда бир бирлик валютага, масалан, 1 АҚШ долларига сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматларни мамлакат ичida харид

қилиш учун қанча валюта сарфланишини кўрсатади. Айтайлик, Тошкент метросидан фойдаланиш учун бир марталик чипта нархи 1400 сўмни, Москва метросида эса – 57 рублни ташкил этса, у ҳолда метро транспорти хизмати бўйича ўзбек сўмининг рублга нисбатан харид қобилияти паритети 1 россия рубли учун 24,6 сўмга тенг бўлади. Нью-Йоркда метро учун бир марталик чипта нархи 2,75 АҚШ доллар туради. Бу эса метрода фойдаланиш бўйича ўзбек сўмининг АҚШ долларига нисбатан харид қобилияти паритети 1 доллар учун 509,1 сўмга тенглигини кўрсатади.

Мазкур таққосдан ҳам кўриниб турибдики, бутун иқтисодиёт бўйича валютанинг ХҚПни ҳисоблаш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан мураккаб жараён бўлиб, товарлар гурӯҳлари кесимида маҳсулотлар нархлари, ишлаб чиқарилиши ва фойдаланилиши тўғрисида катта ҳажмдаги маълумотларни йиғиш ва қайта ишлашни талаб этади. Масалан, 2019 йилда Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулоти 5,5 фоиз ўсди. Бу 2018 йилга нисбатан юқори, бироқ аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ дунё бўйича ўртача кўрсаткичдан анча орқада. Аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот 1741 долларни ташкил этди (2018 йилда — 1533 доллар).

“Эришилган натижаларга қарамай, мамлакатимиз аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотнинг дунё бўйича ўртача кўрсаткичдан сезилар

БМТ Статистика комиссиясининг 2019

йил 5-8 март кунлари бўлиб ўтган 50-сессиясида 2020 йил маълумотлари бўйича ХТДнинг навбатдаги глобал босқичини ўtkазишига тайёргарлик кўриш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Ушбу қарордан келиб чиқсан ҳолда МДҲ Иқтисодий кенгашининг 2019 йил 21 июндаги қарорига биноан, МДҲ

Давлатлараро статистика қўмитаси ҳамда МДҲга аъзо давлатлар статистика идоралари томонидан ХТДда иштирок этиш юзасидан ишларни ташкил этиш белгиланган.

ли даражада орқада қолмоқда. Бу демографик вазиятни ҳисобга олган ҳолда иқтисодиёт миқёсининг паст даражаси, аҳоли жамғармалари ва даромадларининг чекланганилигидан далолат беради", деб маълум қилган эди йил бошида Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги.

ХАЛҚАРО ТАҚҚОСЛАШЛАР ДАСТУРИ

Жаҳон статистика амалиётида мамлакатлар валюталарининг ХҚПни ҳисоблаш ишлари халқаро ташкилотлар томонидан миллий статистика идоралари билан ҳамкорликда Халқаро таққослашлар дастури (ХТД) доирасида амалга оширилади. Бошқача қилиб айтганда, ХТД дунёнинг барча давлатлари статистика идораларини бирлаштирувчи йирик халқаро дастур бўлиб, унга кўра, валюталарнинг ХҚПни ҳисоблаш орқали ЯИМ ва унинг таркибий қисмларини халқаро даражада ва мамлакатлараро таққослаш ишлари амалга оширилади.

— Дастур ташаббускорлари БМТ ва Жаҳон банки бўлиб, одатда у ҳар З йилда бир маротаба ўтказилади, — дейди Азиз Мамиров. — Ушбу дастурнинг халқаро даражада мувофиқлаштирувчisi Жаҳон банки, МДҲ мамлакатлари бўйича эса МДҲ давлатлараро статистика қўмитаси ҳисобланади. Валюталарнинг ХҚПни ҳисоблаш босқичлари миллий статистика идоралари томонидан халқаро мувофиқлаштирувчи ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга ошириладиган йирик ҳажмдаги тадбирларни ўз ичига олади. Бу, ўз навбатида, 2500 дан ортиқ товар ва хизмат нархларини мамлакатлараро таққослаш мақсадида уларнинг рўйхатини шакллантириш ва келишиб олишни, муайян йил давомида ушбу товар ва хизматлар нархлари даражасини кузатиш (рўйхатга олиш), текшириш ва давлатлараро таққослашни, халқаро классификациялар асосида якуний истеъмол усулида ҳисобланган ЯИМ кўрсаткичини 200 га яқин таркибий қисмга ажратган ҳолда хулосалашни, валютанинг ХҚПни ҳисоблаш ва ЯИМни таққослаш ишларини амалга оширишни тақозо этади.

Дастурда кўзда тутилган ишларни тўлиқ

ҳажмда бажариш одатда З йил вақт талаб этади ва у "таққослашлар босқичи", деб аталади. Ҳозирги кунда 2017 йил маълумотлари асосида ўтказилган ХТДнинг (ХТД-2017) барча босқичлари якунланган бўлиб, яқин кунларда унинг натижалари Жаҳон банки томонидан эълон қилиниши кутилмоқда.

БМТ Статистика комиссиясининг 2019 йил 5-8 марта кунлари бўлиб ўтган 50-сессиясида 2020 йил маълумотлари бўйича ХТДнинг навбатдаги глобал босқичини ўтказишга тайёргарлик кўриш тўғрисида қарор қабул қилинган. Ушбу қарордан келиб чиқсан ҳолда МДҲ Иқтисодий кенгашининг 2019 йил 21 июндаги қарорига биноан, МДҲ давлатлараро статистика қўмитаси ҳамда МДҲга аъзо давлатлар статистика идоралари томонидан ХТДда иштирок этиш юзасидан ишларни ташкил этиш белгиланган.

Қайд қилиш жоиз, Ўзбекистон бугунги кунга қадар мазкур жараёнда тўлақонли иштирок этмаган кам сонли давлатлар сирасига киради. Мамлакатимиз ХТДнинг 2000 йил маълумотлари асосида ўтказилган минтақавий босқичида иштирок этган, ундан кейинги глобал ва минтақавий ХТДларида қатнашмаган. Ўтган вақт мобайнида Ўзбекистоннинг ХҚП бўйича ЯИМ ҳажми Жаҳон банки эксперtlари томонидан маҳсус статистик усуllар орқали баҳоланиб келинган.

ГЛОБАЛ ТИЗИМ БИЗГА НИМА БЕРАДИ?

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 авгуstdаги "Ўзбекистон Республикасида миллий ҳисобларнинг замонавий тизимини жорий этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, давлат статистика қўмитасига Республиkaning ХТДнинг навбатдаги глобал босқичида иштирок этишини таъминлаш вазифаси юклатилган.

— Шу мақсадда ҳозирги кунда давлат статистика қўмитаси томонидан мамлакатимизнинг муваффақиятли иштирокини таъминлаш юзасидан кенг кўламли тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда, — дея ўз сўзини давом эттириди Азиз Мамиров. — Бунда "ХТД-2020"га пухта тайёргарлик кўриш учун МДҲ давлатлараро статистика қўмитаси билан Ўзбекистоннинг "ХТД-2017"да

экспериментал тарзда иштирок этиши бўйича келишувга эришгани қўл келмоқда. Унга муовфик, давлат статистика қўмитаси томонидан 2017 йил учун якуний истеъмол усулида ҳисобланган ЯИМ кўрсаткичини ХТД талабларидан қелиб чиқсан ҳолда 200 га яқин таркибий қисмга ажратиш, 1700 дан ортиқ товар ва хизматнинг ўртача нархлари тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш ишлари амалга оширилди ва МДҲ давлатлараро статистика қўмитасига валютанинг ХҚП ҳисоб-китобларини амалга оширишда фойдаланиш учун тақдим этилди. Шу ўринда мазкур идоранинг қўмитамизга кенг миқёсда услубий ва амалий ёрдам кўрсатганини алоҳида эътироф этиш лозим.

Тақдим этилган маълумотлар асосида МДҲ давлатлараро статистика қўмитаси томонидан экспериментал ҳисоб-китоблар амалга оширилди ва ЯИМнинг асосий таркибий қисми ҳисобланган уй хўжаликларининг амалдаги якуний истеъмол кўрсаткичи учун сўмнинг харид қобилияти паритети баҳоланди.

Ўзбекистоннинг "ХТД-2017"да экспериментал иштироки давлат статистика қўмитаси мутахассислари учун муҳим амалий тажриба ортириш вазифасини ўтаб берди. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизнинг "ХТД-2020"да муваффақиятли иштироки учун замин яратади.

Мухтасар қилиб айтганда, Ўзбекистоннинг "ХТД-2020" ва ХТДнинг ундан кейинги босқичларида доимий иштирок этиши мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиши ва кўлами бўйича статистик кўрсаткичларни халқаро даражада таққослаш, таҳлил қилиш имкониятини кенгайтириш, шунингдек, ЯИМ ва унинг таркибий қисмларини халқаро стандартларга мувофиқ шакллантиришга хизмат қилади. Бундан ташқари, миллий ҳисоблар ва нархлар статистикаси бўйича кўрсаткичлар сифатини яхшилаш, амалиётимизга халқаро стандартларни, жумладан, халқаро классификациялар тизимини жорий этиш, хорижий инвесторлар учун мамлакатимизнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш ва жаҳон ҳамжамиятининг Ўзбекистон статистика тизимиға бўлган ишончини мустаҳкамлаш каби ижобий натижаларга эришиш имконини беради.

Таҳлил ва таққос

«ХТД – 2020»

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ТАҚҚОСЛАШЛАР
ДАСТУРИНИНГ НАВБАТДАГИ ГЛОБАЛ
БОСҚИЧИДА ИШТИРОК ЭТАДИ**

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иктисодий шарҳловчи

Бу дунёда ҳамма нарсанинг ўз тошу тарозиси, мезону тамойиллари бор. Иқтисодиёту тижоратда уларнинг қандай тош босишига қараб пул, акция, нефть, олтину гавҳар ва умуман, бошқа маҳсулоту хизматлар нархи, қадр-қиммати белгиланиб келинади.



Давоми 4-бетда